Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 29 АПРЕЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 89 (13.152)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

"Ўзэкспомарказ"да Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси, шунингдек, Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплексининг тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржалари иш бошлади.

Тадбирлар Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ ташкил этилди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси дирекциясидан олинган маълумотларга кўра, ишлаб чиқарувчиларнинг ушбу тадбирларга қизиқиши йил сайин ортиб бораётир. Аввалги тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаларида қарийб 530 саноат корхонаси тақдим этган 2,5 минг дан зиёд турдаги маҳсулотларнинг 62 тури Маҳаллийлаштириш дастури асосида ўзлаштирилган янги маҳсулотлардир. Саноат форуми якунларига кўра, саноат кооперацияси бўйича қиймати 166,4 миллиард сўмлик ва экспортга 49,3 миллион долларлик маҳсулот етказиб беришга доир шартномалар тузилди.

Жорий йилда мазкур тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси, "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси, "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти, "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси ва бошқа ташкилотларнинг 700 дан ортиқ корхонаси иштирок этмоқда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 30 дан зиёд корхонаси 150 га яқин турдаги саноат маҳсулотларини намойиш қилмоқда. "Сувмаш" акциядорлик жамияти, "Elstan" илмий-ишлаб чиқариш корхонаси, "Toshkent Singer", "Energy Line", "Сувмет" масъулияти чекланган жамиятлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Соҳа корхоналари бу йил қиймати 2,3 миллиард сўмлик шартномалар тузишни режалаштирган.

– Тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида икки янги корхонамиз илк бор иштирок этмоқда, – дейди Сув хўжалиги саноат корхоналари уюшмасининг менежери Исматулла Бобоев. – Булар турли изоляторлар ишлаб чиқарадиган "Ангренэлектроизолит" ва карбон ҳамда иккиламчи пластмассадан маҳсулот ишлаб чиқарувчи "Карбон полимер" масъулияти чекланган жамиятларидир. Бундан ташқари, стендимизда жорий йилда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар, жумладан, турли шаклдаги резина, ваакумли насос, талаб юқори бўлган кўп қатламли арматурали транспортёр лентаси тақдим этилган.

Ярмаркада "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳам кенг намойиш этилмоқда. "Alkim Textile", "Ajab Etiketka", "Dilom Textile", "Shams", "Alta Link" масъулияти чекланган жамиятлари ва корхоналар 50 дан зиёд турдаги янги маҳсулотлар, хусусан, олачипор калава ва ундан тайёрланган газлама, мактаб формаси, спорт кийимлари тақдим этган. Айни пайтда соҳа корхоналари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, бошқа тармоқлар билан кооперация алоқаларини ривожлантириш асосида импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратмоқда.

"Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компаниясининг гўшт-сут, консерва, шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари намойиш этилаётган стенди, айниқса, гавжум.

– Саноат форумида 100 дан ортиқ корхона иштирок этиб, 130 дан зиёд турдаги маҳсулотларни намойиш қилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компаниясининг маркетинг ва реклама бўлими бош мутахассиси Жамшид Раупов. – Уларнинг 30 тури мутлақо янги маҳсулотлардир. Қуритилган сабзавот ва кўкатлар, турли шарбатлар шулар жумласидан. Ўтган йили соҳа корхоналари бу форумда қиймати 20 миллион долларлик шартнома тузган эди. Бу йил эса 30 миллион долларлик шартномалар имзоланиши кутилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ХОРИЖИЙ МЕНЕЖЕРЛАР ЖАЛБ ЭТИЛМОҚДА

Пойтахтимиздаги Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказида акциядорлик жамиятларига хорижий менежерларни жалб этиш масалаларига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар вакиллари, акциядорлик жамиятлари раҳбарлари ҳамда мутахассислари иштирок этди.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари С.Гафоров, Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда замонавий корпоратив бошқарув тамойилларининг кенг жорий этилишида муҳим дастуруламал бўлаётганини таъкидлади.

Раҳбар-ходимларни ишга танлов асосида олиш, бунда чет эллик мутахассисларнинг ҳам иштирокини таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятлари уставига ушбу жиҳатларни инобатга олувчи тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Акциядорлик жамиятлари раҳбарлари корпоратив бошқарувнинг замонавий усул ва тамойиллари, менежмент ва маркетинг, АКТ ҳамда ишлаб чиқаришни бошқариш тизими бўйича аттестациядан ўтказилган. Аттестация якунлари бўйича бўшаган лавозимларга янгича фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали раҳбарлар, хорижий менежерларни жалб этиш чоралари кўрилмоқда.

– Акциядорлик жамиятларидаги бўш лавозимларга юқори малакага эга маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида интернетда махсус сайт ишга туширилиб, унда 143 бўш лавозим бўйича танлов эълон қилинди, – дейди ЎзА мухбирига Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази бош директори И.Нусуров. – Ўтган даврда ушбу лавозимларнинг юзга яқинига мутахассислар жалб этилиши таъминланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 600 дан зиёд акциядорлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. Уларга 90 га яқин хорижий менежерлар жалб этилган. Бу борада, айниқса, "GM-Ўзбекистон", "UzBAT", "Аммофос Максам" сингари қўшма корхоналарда катта тажриба тўпланган.

Семинарда иштирокчилар эътиборига акциядорлик жамиятлари раҳбар ходимларини танлов асосида тайинлаш, хорижий инвесторларни излашнинг амалий механизмлари, чет эллик менежерларни ёллаш билан боғлиқ меҳнат муносабатларини тартибга солиш мавзуларида маъруза ва тақдимотлар ҳавола этилди.

Б.БОЗОРОВ

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

ХОТИРА – БОҚИЙ, ҚАДР – МУҚАДДАС

Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши ташаббуси билан "Хотира – боқий, қадр – муқаддас" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши раиси ўринбосари Р.Комилов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида аждодлар хотирасини эъзозлаш, уларнинг жасоратини улуғлаш ва абадийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар жамиятимизда барқарорлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёш авлодни маънавий етук этиб камолга етказишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2016 йил 18 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони асосида бу йўналишдаги ишлар янада кенгаймоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши томонидан бу йўналишда "Хотира – боқий, қадр – муқаддас" деб номланган лойиҳа доирасида жойларда турли маънавий-маърифий тадбирлар, икки авлод учрашувлари, давра суҳбатлари ташкил этилаётир. Бундан мақсад кексаларни қадрлаш, уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан навқирон авлод камолотида оқилона фойдаланиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, бунёдкорлик руҳида тарбиялашдир.

Давра суҳбатида мазкур лойиҳа доирасида олиб борилаётган ишлар таҳлил этилди. Бу йўналишдаги тадбирларни ташкил этишда сиёсий партиялар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, "Нуроний" жамғармаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорлик истиқболлари хусусида фикрлашилди.

Б.ХИДИРОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан "Мактабдан ташқари таълим: сифат ва самарадорлик" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

Унда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари мутасаддилари, илмий-тадқиқот институтлари, Республика таълим маркази мутахассислари, мактабдан ташқари таълим масканлари педагоглари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Шодмонов, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро этувчи директори Э.Искандаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мактабдан ташқари таълим болаларнинг ўқишга қизиқишини ошириши билан бирга уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, бўш вақтини тўғри ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган "Баркамол авлод" болалар марказлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўғил-қизларнинг истеъдод ва қобилиятини тўғри шакллантириш, касб-ҳунарга йўналтириш имконини бермоқда.

Анъанавий тарзда ташкил этилаётган "Она юрт оҳанглари", "Санъат ғунчалари", "Камалак" юлдузлари", "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловлари, Тасвирий ва амалий санъат фестивали каби ижодий лойиҳалар мактабдан ташқари таълим масканларига қатнаётган болаларнинг фаолиятини кенг жамоатчиликка танитмоқда, уларни янада илҳомлантирмоқда.

Давра суҳбатида мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги тўгараклар машғулотларининг сифати ва самарадорлигини янада юксалтириш, тўгарак раҳбарларининг касб салоҳиятини муттасил ошириш, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини малакали спорт мураббийлари билан янада кўпроқ таъминлашга оид масалалар атрофлича муҳокама этилди.

(ЎзА)

ХХ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғонада "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги механизмини татбиқ этишнинг амалий жиҳатларига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида баркамол авлод тарбиясида оиланинг ўрнини мустаҳкамлаш, оила институтининг таълим ва тарбия муассасалари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

● Андижонда "Ҳамшира – 2016" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Айтиш керакки, бугунги кунда вилоят тиббиёт муассасаларида 26 мингдан зиёд ўрта тиббиёт ҳамшираси меҳнат қилмоқда. Танловнинг вилоят босқичида улар орасидан сараланган 12 ҳамшира бешта шарт бўйича баҳслашди.

● Самарқандда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасидаги "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Вилоят мудофаа ишлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган беллашувларда шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 14 жамоа иштирок этди.

● Наманганда "Оила саодати – мустақиллик самараси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилояти кенгаши томонидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеи ва фаоллигини янада ошириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

ЖАҲОНДА

● Япония ҳукумати 2020 йилги Токио Олимпиадаси ва Паралимпия ўйинлари учун янги эмблемалар танлади. Логотиплар Спорт ўйинлари ташкилий қўмитаси томонидан тақдим этилди. Янги эмблемани танлаш бўйича ташкил этилган қўмита таркибига Япония спорт, санъат ва иқтисодиёт оламининг 20 нафар машҳур вакиллари қабул қилинди. Қўмита янги эмблемани ишлаб чиқиш борасида 18 ёшдан ошган барча Япония фуқаролари ва хорижликлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов эълон қилди.

● Венесуэла ҳукумати кейинги 40 кун ичида ҳар куни узатиладиган электр энергия вақтини қурғоқчилик сабабли тўрт соатга қисқартиради. Таъкидланишича, мамлакатда кузатилаётган қурғоқчилик ГЭСнинг ишида узилишларга сабаб бўлган.

● Шу кунларда Европанинг баъзи давлатларида жуда совуқ об-ҳаво кузатилмоқда. Яъни, Гренландия денгизидан эсган Шимоли-Ғарбий шамоллар боис апрелнинг охирида қатор ҳудудларда кучли қор ёғди. Қиш манзараларини болтиқбўйи, Болқон ва Шарқий Европа давлатлари, Австрия, Германия, Буюк Британия, Голландияда кузатиш мумкин.

Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида фуқароларнинг давлат бошқарувини амалга оширишдаги иштирокини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида маҳалла тушунчаси ифодаланиб, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаши белгилаб қўйилгани барчага маълум. Шунингдек, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қатор тегишли норматив-меъёрий ҳужжатлар ҳам бўлиб, улар бугунги тезкор замон талабига ҳамоҳанг ҳолда такомиллаштирилиб борилмоқда.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МУҲИМ ИЖТИМОИЙ ЖАРАЁН

унда барча фаол иштирок этиши керак

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови эса, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирлардан биридир. Маълумки, айни вақтда бутун юртимиз бўйлаб ана шундай катта аҳамиятга молик тадбирга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ шу йил май-июнь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтади.

Биз "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи, шаҳар сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси ўринбосари Аҳрор ҒУЛОМОВдан ушбу сайловнинг маҳаллалар, чунончи жамият ҳаётида тутган ўрни, уни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.

— Истиқлол йилларида, бевосита Президентимиз бошчилигида халқимизгагина хос бўлган ноёб институт — маҳалла институтининг ваколатлари кенгайтирилди, нуфузи ошди, муҳими, ислоҳотлар жараёнидаги иштироки тобора салмоқли бўлиб бормоқда, — дейди А.Ғуломов. — Айниқса аҳоли ўртасида меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш, ҳудуднинг турли муаммоларини ҳал этишдаги ўрни ва роли ортиб бормоқда. Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари томонидан илгари маҳаллий давлат бошқаруви органлари ваколатига кирувчи 30 дан зиёд вазифанинг муваффақиятли бажариб келинаётгани ана шундан далолатдир.

Жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови маҳалла институтининг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳамда мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир бўлгани боис унга республикамиз бўйлаб кенг кўламли тайёргарлик кўрилмоқда. Шу билан бирга мазкур сайлов жараёни юртимизда шаклланган демократик сайлов тизимининг узвий бир қисми бўлиб, унда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини ифода этади.

Сайловнинг ошкоралик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ўтиши учун катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорига асосан жойларда тузилган сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар қонунда назарда тутилганидек, шу билан бирга, Сенат Кенгаши томонидан тасдиқланган "2016 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси"да белгиланган чора-тадбирлар асосида фаолият юритмоқда. Кўмаклашувчи комиссиялари томонидан ишчи гуруҳларига услубий-амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Шу ўринда айтиб ўтадиган бўлсак, шаҳримизнинг барча туманларида фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлар тузилган бўлиб, улар бугунги кунда фаол иш олиб бормоқдалар. Уларнинг асосий вазифалари қонунчиликка сўзсиз амал қилишни таъминлаш ва аҳолини фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар билан таништириш, сайловларни ўтказиш ва ташкил этиш бўйича тушунтириш ишларини олиб боришдир. Шундан келиб чиққан ҳолда бугун сайлов бўлиб ўтадиган шаҳримиздаги 505 та маҳаллада кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиб, ишчи гуруҳлари учун семинарлар ташкил этилмоқда. Уларда сенаторлар, депутатлар, экспертлар, ҳуқуқшунослар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этиб соҳага доир миллий қонунчиликнинг мазмун-моҳияти, маҳалла институтини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва маҳаллалар қошидаги жамоатчилик комиссиялари фаолияти ҳақида маълумотлар бермоқдалар.

Сайловнинг муқобиллик асосида ўтказилиши ҳақида айтадиган бўлсак, унда фуқаролар йиғини раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари лавозимига икки ва ундан кўп номзоднинг иштирок этиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, раисликка номзоднинг келгусида маҳаллани ривожлантириш борасидаги фаолият дастури ҳам кўриб чиқилади. Сайлов жараёнида мазкур дастурлар билан танишиш орқали фуқаролар вакиллари ўйлаб бир қарорга келадилар. Демакки, ўз дастурининг ишончлилигини асослаб бера оладиган, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга, иш, ҳаётий тажрибасини амалиётда қўллай оладиган номзодларгина халқ ишончига сазовор бўла олади.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, бўлажак сайловларда энг муносиб номзодларнинг фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сифатида сайланиши юрт тинчлиги, Ватан ободлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Зеро, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнда барчамизнинг фаол иштирок этишимиз сайловни ошкоралик, муқобиллик ва тенглик асосида ўтиши, маҳалла институтининг ўрнини янада мустаҳкамлаш ва нуфузини ошириш, шу билан бирга энг муносиб номзодларнинг сайланишига хизмат қилади.

Шоира МУҲАМЕДОВА
ёзиб олди

ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Тошкент молия институтида "Алоқабанк" акциядорлик тижорат банки билан ҳамкорликда "Интерактив банк хизматлари ва уларни кенгайтириш истиқболлари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, банк соҳаси мутахассислари, мобиль алоқа компаниялари ходимлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда интерактив хизматлар кўрсатилмоқда. Хусусан, тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга интернет-банкинг, мобиль-банкинг ва СМС-банкинг каби масофадан хизмат кўрсатишнинг инновацион тизимлари тақдим этилмоқда. Бу вақтни тежаш, иш унумини ошириш, тезкор маълумот қабул қилиш ва мижозни янгиликлардан хабардор этишда муҳим омил бўлмоқда.

Тадбирда янги интерактив давлат хизматларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, электрон тўловлар тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Соҳани янада такомиллаштиришда бўлажак кадрларнинг билим салоҳияти, касб маҳоратининг аҳамияти катта. Институтни тамомлаб, ушбу йўналишда фаолият юритадиган ёшлар соҳа ривожига ўз ҳиссасини қўшиши, янгиликларни билиши, иш жараёнига олдиндан мослашиши муҳимдир. Давра суҳбатида талабаларнинг интерактив хизматлар кўрсатиш, инновацион лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишига оид билимлари янада мустаҳкамланди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

Анжуманлар

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ— ЎЗАРО КЕЛИШУВЛАР АСОСИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан "Жамоа шартномлари – ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда улар турмуш сифати ва даражасини оширишнинг муҳим омили" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишув, тармоқ ва ҳудудий келишувлар асосида барча корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаси амал қилмоқда.

Уларда меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнатни муҳофазалаш, компенсация тўловлари, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар, меҳнат низоларини ҳал этиш каби меъёрлар ўз ифодасини топган. Натижада меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланмоқда.

– Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида охирги беш йил ичида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаётган 500 минг нафар ходим жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинди, – дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Давранбекова. — Жорий йилнинг март ойида юртимизга ташриф буюрган Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси бош котиби Шарон Барроу ҳам юртимизда мазкур йўналишларда амалга оширилаётган ишлар, хусусан, давлат касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий мулоқотни бошқа давлатларга намуна бўлишга лойиқ дея эътироф этганлиги, мамлакатимизда олиб борилаётган ишларнинг таҳсинга лойиқ эканлигини яна бир бора тасдиқлайди.

Бугунги кунда жамоа шартномаларига кексалар, хотин-қизлар ва ёшлар масаласи устувор эканлигидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини кучайтиришга доир янги бўлимлар киритилди. Бу эса оналарга моддий ёрдам кўрсатиш, ёшлар ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, жамоа шартномаларига кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаш мақсадига қаратилган тадбирлар ҳам киритилган. Булар орқали меҳнат муҳофазаси соҳасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Меҳнатда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш, иш жойларининг санитар-гигиена ҳолатини яхшилаш, ходимларни маиший хоналар, профилактик озиқ-овқатлар билан таъминлаш, меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўқитиш, иш ўринларини шаҳодатлаш, имтиёз ва компенсациялар ўрнатиш каби ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, мазкур шартномалар орқали ходимлар ва уларнинг оила-аъзолари имтиёзли соғломлаштириш билан қамраб олинди. Хусусан, ҳар бир ходим 2 йилда бир марта имтиёзли йўлланма орқали санаторийларда саломатлигини мустаҳкамлаш имконига эга. Сўнгги йилларда ходимлар учун яратилган имтиёз ва қулайликлардан яна бири, ходим учун ажратилган йўлланмадан унинг яқин қариндошлари фойдаланиш ҳуқуқи яратилиб берилди.

Маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишларини жамоа шартномаларига киритиш орқали меҳнаткашлар маънавиятини юксалтириш, соғлом муҳит ва соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлашга ҳам эришилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтирилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ЭЪТИБОР КУЧАЙМОҚДА

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни, авваламбор касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш бўйича бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Жумладан, 2015 йилнинг 1 январидан киритилган ўзгартиришларга кўра "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасига, микрофирма ва кичик корхоналар томонидан касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчилари ҳисобига банд ходимларнинг ўртача йиллик сонининг белгиланган меъёрини 20 фоиздан 50 фоизга ошириш мумкинлиги белгилаб қўйилди. Бунда микрофирма ва кичик корхоналар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти сақланиб қолади. Касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари ўқишни тугаллаган кунидан бошлаб уч йилгача муддатда ишга қабул қилинган бўлиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, шу санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтилган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичида фаолият тугатилган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади.

Республикамиз Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармонида хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ёшларни тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, 2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битирган кундан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан Солиқ кодексининг 18, 180, 311, 373-моддаларига тегишли ўзгартиришлар киритилди ва янги 374[1] модда билан тўлдирилди. Унда ходимларни ёллаган ҳолда фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларга қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб берилди.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ органлари, жумладан, Мирзо Улуғбек туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳам мунтазам равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка яратилаётган бундай қулай шарт-шароитлар тадбиркорлар ва аҳоли билан бўлиб ўтаётган учрашувлар, семинарлар ва давра суҳбатларида кенг қамровда етказиб борилмоқда. Шунга кўра кўплаб кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлар бундай қулай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ёшларни ишга жалб этган ҳолда ўз фаолиятларини кенгайтирмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, солиқ қонунчилигига киритилаётган бундай янгиликлар ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга катта имконият яратади.

Миршохид СУЛАЙМОНОВ,
Мирзо Улуғбек тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг ўринбосари

КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Чарм-пойабзал саноати корхоналари стенди алоҳида ажралиб турибди. Юқори сифатли пойабзал, чарм буюмлар ва спорт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 60 дан ортиқ корхона 400 га яқин турдаги маҳсулотини намойиш этмоқда. 2015 йилда ушбу корхоналар томонидан қиймати қарийб 2 миллиард сўмлик ички тармоқ ва тармоқлараро ҳамда 2 миллион доллардан зиёд экспорт шартномалари имзоланган бўлса, жорий йилда 4 миллиард сўмлик ва 3 миллион долларлик шартномалар тузиш режалаштирилмоқда.

– Маҳаллийлаштириш дастури доирасида корхоналаримиз бу йил 170 дан зиёд турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди, – дейди "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси бош мутахассиси Шуҳрат Алиев. – Маҳсулотлар турининг кўпайиб бораётгани туфайли бугунги кунда барча саноат тармоқларини махсус оёқ кийимлар билан таъминлай оламиз.



Ёлқин Шамсиддинов олган суратлар

Бу галги тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси транспорт соҳаси жадал ривожланаётганини намойиш этди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти, "Тошшаҳартрансхизмат" ва "Ўзавтойўл" акциядорлик компаниялари ўз таркибига кирадиган корхоналарнинг саноат салоҳиятини намойиш қилмоқда. Масалан, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти таркибига кирадиган "Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар корхонаси саноат форумида магистрал ва манёвр қиладиган тепловозлар, электровоз, юк вагонлари, махсус вагонларни капитал таъмирлаш хизматларини тақдим этмоқда. Тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида иштирок этиш орқали корхона Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, "Ўзнефтгазқазибчиқариш" акциядорлик компанияси, Шўртан газ-кимё мажмуаси, "Ўзкабель" қўшма корхонаси ва бошқалар билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси таркибига кирадиган "Uzbekistan Airways Technics" авиакорхонаси замонавий самолётларга техник хизмат ва уларни таъмирлаш бўйича хизматлар кўрсатмоқда. Саноат форумида мазкур корхона аккумулятор, бошқарув пульти, буғ шкафларини таъмирлаш хизматларини таклиф қилмоқда. Бундан ташқари, ўз эҳтиёжи учун енгил саноат корхоналари билан юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотлари харид қилиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

Шуни айтиш керакки, саноат форуми доирасида иштирокчи корхоналар ўз маҳсулотлари тақдимотини ўтказиб, ҳамкорлик учун таклифлар билдиради, етказиб бериш ва янги турдаги саноат маҳсулотларини ўзлаштиришга доир шартномалар имзолайди.

М.МАМЕТОВА

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ТАШАББУСКОР ЁШЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Тошкент ахборот технологиялари университетида "Менинг бизнес ғоям" танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк ва бошқа қатор тижорат банклари билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирда коллеж ҳамда лицей ўқувчилари иштирок этмоқда.

"Менинг бизнес ғоям" танлови банклар ва истеъдодли ёшлар ўртасида алоқа ўрнатишнинг муҳим омилларидан биридир.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, танловдан кўзланган асосий мақсад коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, битирувчиларга микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринлари яратишдан иборат. Бу жараёнда банклар муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, 2015 йилда ташаббускор ёшлар учун тижорат банклари 280 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар тақдим этди.

Танловнинг жорий йил февраль-март ойларида ўтган дастлабки босқичларида пойтахтимиздаги 119 коллеж ва лицейда билим олаётган 15 мингдан ортиқ ёш иштирок этди. 140 нафардан зиёд энг қизиқарли бизнес-ғояга эга ёш шаҳар босқичига йўлланма олди.

– Жамиятга фойда келтирадиган, жумладан, янги иш ўринлари ташкил этиш, инновация ва экотехнологияларни жорий қилиш бўйича бизнес-ғоялар танлов иштирокчилари ишларини баҳолашда муҳим мезон бўлмоқда, – дейди ЎзА мухбирига "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоли Муслима Омонқулова. – Мазкур босқичда тақдим этилган ғоялар кўплаб соҳаларни қамраб олган ва ҳар бир иштирокчи ижодий салоҳияти ҳамда инновацион ғоясини намойиш этишга интилмоқда. Асосий мақсадимиз уларнинг ғояларини жамиятга фойда келтирадиган лойиҳаларга айлантиришдир.

Танловнинг шаҳар босқичи доирасида ёшлар семинар-тренингларда қатнашиб, бизнес-режа тузиш бўйича ўз билимини бойитмоқда.

– Танловда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг янги навларини яратиш ғояси билан иштирок этмоқдаман, – дейди Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежининг 3-курс ўқувчиси Ирода Аъзамова. – Бу ерда ўз бизнес-ғоямни амалга ошириш учун банкдан имтиёзли кредит олиш тартиби тўғрисида батафсил ахборотга эга бўлдим ва ишлаб чиқариш ускунасини харид қилиш бўйича маслаҳат олдим.

Тадбирда ёшлар бизнес-ғояларининг тақдимотлари ҳам ўтказилади. 15 нафар иштирокчи республика босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

М.ҚАРШИБОЕВ

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 2

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
7.40 "Қишлоқ ҳаёти".
8.00 "Таҳлилнома".
8.40 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
9.10 2016 йил – "Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
9.30 "Кучли фуқаролик жамияти сари".
10.05 "Иқлим".
10.15 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Менинг боғим".
11.30 "Кўнгил ободлиги".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Учбурчак". Ток-шоу.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Ҳидоят сари".
14.45 "Қалб гавҳари".
15.15 "Иқлим".
15.30 "Бизнес-старт".
16.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Сухбатдош".
17.25 "Руҳшунос". Т/с.
18.10 "Иқлим".
18.20 "Имконият".
18.40 "Севги сароблари". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Чиннигул". Т/с. Премьера.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат". Ток-шоу.
22.25 – 23.55 "Халоскор". Б/ф.
23.55 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардан айланай".
00.25 "Имконият".
00.45 "Менинг боғим".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
3.30 "Қалб гавҳари".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
5.10 – 5.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Афсона ва ҳақиқат".
7.00 "Табиб". Т/с.
7.50 "Қизлар мактаби".
8.10 "Пуаро". Т/с.
9.50 "Мангу хотира".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Зар замин".
11.40 "Соғлом ҳаёт".
12.00 "Шаҳзода". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Сирли саёҳат". Б/ф.
14.40 "Юрт келажаги".
15.00 "Ҳаёт симфонияси".
15.50 "Хотира саодати".
16.00 "Давр".
16.10 "Бир қадам". Т/с.
17.00 "Камолот-инфо".
17.10 "Автопатруль".
17.30 "Тунги рейс". Б/ф.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин".
19.30 "Қалб гавҳари".
20.00 "Халқ виждони".
20.25 "Ўйлар муборак".
20.30 "Ҳаёт симфонияси".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Ёлланган совчи".
22.30 "Табиат шифохонаси".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Ён қўшним-жон қўшним".
23.35 "Обод манзиллар".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
00.35 "Биламизку, аммо".
1.00 Миллий кино. "Дилхирож".
2.10 "Бизнес ва тараққиёт".
2.40 "Мўъжаз Ватан".
3.00 Миллий сериал. "Дил пайвандн".
3.35 "Аждодлар хазинаси".
4.00 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
4.40 "Соғлом турмуш".
5.05 – 6.00 "Бола бошидан".

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.30 "Топағон болажон".
8.50 "Мультипанорама".
10.00 "ABC-kids".
10.30 "Болалар учун фильм".
13.10 "Билағон болажон".
13.50 "Табиатшунос болажон".
14.00 "Бола бошидан".
14.10 "Эртаклар оламида".
15.10 "Ланди-ланди".
15.20 "Болажон орзуси".
15.40 "Қувноқ алифбо".
16.10 "Мультипанорама".
17.20 "Болажон устахонаси".
17.30 "Боғбон болажон".
17.50 "Электрон дунё".
18.00 "Сеҳрли қўллар".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "До-ми-соль".
19.40 "Болажонлар саҳнаси".
19.50 "Қувноқ стартлар".
20.10 "Мультипанорама".
21.00 "Саргузаштлар ороли".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Икки кишилик вокзал". Б/ф. 1-қисм.
7.10 Миллий кино. "Тилим қурсин-2". Б/ф.
8.30 Саргузашт фильмлар экрани. "Иф қалъасининг маҳбуси".
10.40 "Фаворит". Х/ф.
13.00 Кундузги сериал. "Қишлоқ".
13.45 "Жульеттага мактуб". Б/ф.
15.25 Болалар экрани. "Момо".
16.50 "Жек Ричер". Б/ф.
19.00 "Ёз ифори". Т/с.
20.05 Миллий кино. "Ҳижрон".
21.30 "Ҳафта юлдузи". Жорж Клуни.
21.50 Жаҳон киноси. "Оушеннинг 11 дўсти".
23.45 Миллий кино. "Оқ бўлут". Қисқа метражли фильм.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Посейдон". Х/ф.
1.45 "Пойгачи". Б/ф.
3.40 "Рангин кўзгу". Б/ф.
4.50 – 6.00 Миллий кино. "Ганг дарёсининг қизи".

ЧОРШАНБА, 4

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
7.40 "Чуст пичоқлари". Х/ф.
8.00 "Ахборот".
8.40 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
9.10 "Ягона оилада".
9.30 "Чиннигул". Т/с.
10.00 "Иқлим".
10.10 "Учбурчак". Ток-шоу.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Обод шаҳрим".
11.40 "Агроолам".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Фусункор нақшлар". Х/ф.
13.30 "Кўнгил ободлиги".
13.50 "Иқлим".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Имконият".
14.35 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
15.20 "Менинг ҳуқуқим".
15.30 "Иқлим".
15.40 "Қишлоқ ҳаёти".
16.00 "Заковат".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Сен ёлғиз эмассан".
17.25 "Руҳшунос". Т/с.
18.10 "Парламент ҳаёти".
18.25 "Менинг боғим".
18.40 "Севги сароблари". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Кучли фуқаролик жамияти сари".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Таҳлил-25".
22.00 – 23.55 "Менинг ҳаётим". Б/ф. Премьера.
23.55 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардан айланай".
00.25 "Менинг боғим".
00.45 "Шарқ тароналари".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Жайдари келин". Спектакль. 2-қисм.
3.15 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
5.10 "Чуст пичоқлари". Х/ф.
5.30 – 5.55 "Таҳлил-25".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Афсона ва ҳақиқат".
7.00 "Табиб". Т/с.
7.50 "Қизлар мактаби".
8.10 "Пуаро". Т/с.
9.50 "Мангу хотира".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Зар замин".
11.40 "Автопатруль".
12.00 "Шаҳзода". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Таҳо маликам". Б/ф.
15.50 "Телетуҳфа".
16.00 "Давр".
16.10 "Бир қадам". Т/с.
16.50 "Биз киммиз?"
17.00 "Маликанинг кундаликлари". Б/ф.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Мардлар қўриқлайди Ватанни".
20.50 "Хотира саодати".
21.00 "Шаҳзода". Т/с.
21.50 "Мангу хотира".
22.00 "Давр".
22.30 "Гумбаз остида". Т/с. 3-фасл.
23.20 "Афсона ва ҳақиқат".
00.10 "Галактика".
4.00 "Ватан мадҳи".
4.10 "Зар замин".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Фидойилар".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Аньеза. Ривамброзага қайтиш". Т/с.
11.15 "Обод хонадон".
11.35 "Poytaxt-avto".
11.45 "Пойтахт-культура".
12.15 Миллий сериал: "Фидойилар".
12.50 "Poytaxt-Hi-tech".
13.15 "Телетаҳлил".
13.35 "Poytaxt-madaniyat".
13.45 "Poytaxt-reportaj".
14.10 "Тошкент вақти".
14.20 Хабарлар.
14.35 "Техноспорт".
15.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Қизилқум" (Навоий) – "Бухоро" (Бухоро).
17.35 "Спорт сабоқлари".
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Спорт сайёраси".
18.15 "Техноспорт".
18.30 Хабарлар.
18.55 "Болалар спорти".
19.20 Баскетбол.
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар.
20.55 "ФИФА". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
23.20 Профессионал бокс.
23.20 "Соғлом турмуш сари".
00.05 Велоспорт.
1.00 Хабарлар.
1.25 Баскетбол.
2.25 "ФИФА".
3.55 Велоспорт.
4.50 – 6.00 Теннис.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
6.35 "Ораста бекажон".
7.05 Миллий кино. "Маҳаллада дув-дув гап".
7.00 Миллий кино. "Зулматни тарк этиб".
8.30 "Кун нафаси".
8.40 "Очиқ дарс".
9.00 Миллий сериал. "Имтиҳон".
9.30 "Саодатли умр".
10.00 "Шарқона маскан".
10.30 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
11.05 "Ён қўшним-жон қўшним".
11.30 "Фотокўзгу".
11.35 "Аслидек асрайлик".
12.05 "Маҳалламиз болалари".
12.25 "Кучли фуқаролик жамияти сари".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Ғаройиб ходиса".
14.00 "TV анонс".
14.05 "Халқ виждони". Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал. "Дил пайвандн".
15.35 "Табиат шифохонаси".
